



ИСБОТ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИДА ҲАҚИҚАТ ТЕОРЕМАСИ

*Ҳайитов Вафо Шавкатович,
Бухоро давлат университети магистранти*

Аннотация: Ҳақиқат теоремаси исбот қилиш институтининг энг муҳим шarti ҳисобланади. Жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлаш процессининг якуний босқичи саналади. Теорема- исбот талаб қилинадиган жумла, ечими мавжуд воқеа-ҳодисалар ва ҳолатларнинг қонуний асосланган ҳақиқатни аниқлашнинг таркибий қисмидир. Мақолада ҳақиқат теоремасини исботлашда назарий ва амалий ёндашув хусусиятлари баён этилган.

Калит сўзлар: ҳақиқат, ҳақиқат теоремаси, рационал фикрлаш, ignoratio elenhi, далиллар, тасдиқ, шарт, реал воқелик, малака, тажриба, мантиқий асос.

ТЕОРЕМА ИСТИНЫ В ИНСТИТУТЕ ДОКАЗЫВАНИЯ

*Хайитов Вафо Шавкатович,
Аспирант Бухарского государственного университета*

Аннотация: Истина является самым важным условием института доказывания. Установление истины по уголовному делу является заключительным этапом уголовного процесса. Теорема – это составная часть установления истины по делу, основанное на предположениях касательно событий и обстоятельств дела. В статье рассмотрены специфические особенности теоретического и практического подхода к доказыванию теоремы истины.

Ключевые слова: истина, теорема истины, рациональное мышление, ignoratio Elenhcy, доказательства, подтверждение, условие, реальное явление, квалификация, опыт, логическое основание.

THE THEOREM OF TRUTH IN THE INSTITUTE OF PROVING

*Hayitov Vafo Shavkatovich,
Master's student of Bukhara State University*

Annotation: The theorem of truth is the most important condition in the institute of proving. The final stage of the criminal proceedings is to establish the truth in a criminal case. The theorem is a part of the truth based on events and



circumstances as well as establishing the legal true. In the article had shown the specifics of the theoretical and practical approaching on the proving of truth.

Keywords: truth, theorem of truth, rational thinking, ignoratio Elenchi, evidences, confirming the reality, skills, experience, logical structure.

Жиноят ишларини юритишда исбот қилиш институтининг асосий мақсади объектив ҳақиқатга эришишдир. Шунинг учун фақат бу мақсадга тўла эришилган тақдирда жиноят процессининг вазифалари бажарилган ҳисобланади. Билишнинг мезони ҳам объектив ҳақиқатдир. Ҳақиқат - бу инсон онгига нисбатан мустақил субстанция тарзида унинг субъектив хохиш-иродасига боғлиқ бўлмаган билим бўлиб, ўзида реал воқеликни акс эттиради. Теорема- исбот талаб қилидиган жумла, ҳолат, воқеа-ҳодиса ва аосли маълумотлар тушунилади. Ҳақиқат теоремаси – ҳар бир ҳолатни исботлашни талаб этиб, исбот қилиш институтининг энг муҳим бўғинини ташкил этади. Жиноят иши ҳолатларини воқеликда қандай содир бўлган бўлса, шундай ҳолда тиклаш объектив ҳақиқатнинг мазмуни ҳисобланади. Жиноят процессида ҳақиқат аниқ ва амалийдир. Ҳақиқатни аниқлаш учун жиноят-процессуал исбот қилишнинг шартлари ва билишнинг умумий қонуниятлари қўлланилади. Далилларнига баҳо бериш рационал фикрлаш фаолияти сифатида ўзида мантикий қонуниятларини акс эттиради. Ҳақиқатни аниқлашда процессуал исбот қилишнинг қуйидаги умумий қонуниятлари ҳам эътиборга олинади: 1) исботланувчи факт, ҳолат (тезис) ва унинг исботлаш воситалари аниқ, ҳақиқий бўлиши лозим; 2) исбот қилиш жараёнида маълумот ёки ҳолат қайта-қайта кўриб чиқилганда ҳам бир хил мазмунга эга бўлиши лозим. Акс ҳолда, бу маълумот исботланмасдан у мантикий жиҳатдан «тезисни алмаштириш» (*ignoratio elenhi*) деб юритилади; 3) исбот қилишнинг асосий қоидалари мантиқнинг қарама-қаршилик қонунидан келиб чиқиб, унга кўра, битта предмет тўғрисида икки қарама-қарши фикр бир вақтнинг ўзида ҳақиқий ҳисобланмайди: а) исботланувчи ҳолат икки қарама-қарши мазмунга эга бўлиш мумкин эмас; б) бир исботлаш акти билан мантикий жиҳатдан қарама-қарши бўлган икки ҳолат, фактларни исботлаб бўлмайди; в) факт, ҳолатларни исбот қилиш учун қўлланиладиган далиллар бир-бирига зид бўлмаслиги лозим; 4) ўзаро қарама-қарши бўлган икки исботланувчи ҳолат бир вақтнинг ўзида ҳам ҳақиқий, ҳам ёлғон бўла олмайди; 5) исботлаш жараёнида етарлича мантикий асослаш қонуни амал қилади: ҳар қандай ҳақиқий фикр бошқа ҳақиқий фикрлар билан асослантирилиши лозим. Ушбу



мантикий қонундан қуйидаги қоидалар келиб чиқади: а) маълумотлар фақат қонуний манбалардан олинади; б) исботлаш воситалари тўлиқ бўлиши шарт; в) ҳолат ва фактларни исбот қилинганлигини тан олиш учун исбот қилиш воситалари етарли бўлиши керак; г) исботлаш воситаларининг ўзи ҳақиқий бўлиши шарт. [1, 56-бет]

ЖПК нинг 85-моддасига кўра исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатдир. Ҳақиқатни аниқлаш учун далил муҳим аҳамиятга эгадир. Далиллар жиноят ишига бевосита алоқадор бўлиши яъни мақбул бўлиши қонунан кафолатланган. Исботлаш институтида ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далил сифатида қуйидагилар тан олинади: *ҳақиқий маълумотлар, яъни содир этилган жиноят иши тўғрисидаги ахборотлар; ижтимоий хавфнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, ушбу ҳаракатларни содир этган шахснинг айбини аниқлашга ёрдам берувчи ва жиноят ишини тўғри ҳал қилиниши учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқий маълумотлар; гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосалари, ашёвий далиллар, овозли ва видео ёзувлар, кинотасвир ҳамда фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланадиган ҳақиқий маълумотлар; қонунда кўрсатилган тартибда тўпланган ҳақиқий маълумотлар; исботлаш субъектларининг ички ишончи бўйича текширилган ва баҳоланган ҳақиқий маълумотлар.*

Жиноят процессуал ҳуқуқининг асосий принципларидан бири бу ҳақиқатни аниқлашдир. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт. Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат жиноят процессуал кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, кўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган,



шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим. Ушбу принципга мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.[2]

Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ЖПКда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, қўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади.

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Жиноят ишида юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим. Ушбу қоида ҳақиқатни аниқлашнинг асоси сифатида субъектлар олдига юксак масъулиятни қўяди. Бу вазифани амалга ошириш учун субъектлардан юқори билим, малака, тажриба ва ахлоқий нормаларни мукамал ўзлаштириш талаб этилади. Ҳақиқат инсониятни эзгуликка етакловчи куч сифатида ҳар қандай соҳани ривожлантирувчи омилга эга бўлган воқеийликдир. Ҳақиқат таъминланган жамиятда адолат қарор топади.

Теорема таркибини шарт ва тасдиқ критериялари ташкил этади. Жиноят ишини исбот қилишда даставвал ишнинг тўлиқ моҳияти ўрганилиб, бажарилиши керак бўлган шартлар ишлаб чиқилади. Турли версиялар ва тусмоллар ҳамда бу юзасидан амалга ошириладиган барча ҳаракатлар дастлабки шартлар асосида шакллантирилади. Ишлаб чиқилган шартлар асосида тўпланган далиллар текшириш ва баҳолаш орқали ўз тасдиғини топади. Тасдиқ исботлаш институтининг жиноят процесси босқичлари юзасидан якуний шакли саналади. Тасдиқлаш орқали исбот қилиш институти тугалланади. Демак, жиноят ишида ҳақиқат теоремаси исботлаш институтининг барча талаблари бажарилиши билан мавжуд бўлиши, ишнинг қонуний, адолатли ва асосли тарзда ҳал этилишининг негизи саналади.

Жиноят ишини исбот қилишни амалга оширувчи шахсларнинг асосий вазифаси ҳақиқатни аниқлашни якунига етказишдан иборат. Ҳақиқат



аниқланмагунча жиноят исботланмаган ҳисобланади. Юридик адабиётларда «тергов органларининг исботлаш фаолияти натижасидаги хулосаси ишонарли бўлиши шарт эмас», [3,94-бет] «терговчида айбланувчининг айблилигига шубҳалар бўлса ҳам, ишни судга ошириши мумкин», [4,96-бет] деган қарашлар мавжуд. Биз бу фикрларга қўшила олмаймиз, чунки терговнинг исботлаш предмети ташкил қилувчи айбланувчининг айбдорлиги (ёки айбсизлиги) тўғрисидаги хулосаси етарли ва ишончли далилий материалларга асосланган бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай жиноят юзасидан ҳақиқат аниқлангандагина, жиноят иши ўзининг қонуний ечимини топган ҳисобланади. Ҳақиқатни аниқламасдан туриб, исбот қилиш институтининг талабларини бажариб бўлмайди. Ҳақиқат теоремасини исботлаш орқали биз ўз мақсадимизга етамиз, яъни айбдорга нисбатан адолатли жазо тайинланиши ва айби бўлмаган ҳеч бир шахсни жавобгарликка тортмаслик ҳаракатларини амалга оширамиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Белкин А.Р. Теория доказывания. -М.: 2000. -Б. 56.
2. Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодекси. Тошкент .1994
3. Брусницин Л.В. Правовое обеспечение безопасности лиц, содействующих уголовному правосудию. - М.: Спарк, 1999. –Б..94;
4. Белкин Р.С. Профессия следователь . - М.: Экспертное бюро, 1998. -Б.96.